# “O‘ZBEKEKSPERTIZA”
# АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

## 31 ДЕКАБР 2021 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТАЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН КОНСАЛИДАЦИЯЛАНГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ ВА МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ ХУЛОСАСИ

Тошкент ш. 9 июн 2022 й.

## 31 ДЕКАБР 2021 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА КОНСАЛИДАЦИЯЛАНГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА ТАШКИЛОТ РАҲБАРИЯТИНИНГ БАЁННОМАСИ

2021 йил 31 декабр ҳолатига кўра «O'ZBEKEKSPERTIZA» (кейинги матнларда «Жамият») акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини ишончли акс эттирувчи молиявий ҳисобот тайёрлаш, шунингдек Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда – «МҲҲС») мувофиқ якунланган йил учун фаолияти натижаси, пул оқими ва хусусий капиталдаги ўзгаришлар учун раҳбарият жавобгардир.

Молявий ҳисобот тайёрлашда раҳбарият қуйидагиларга жавобгардир:

- ҳисоб сиёсатини тўғри танлаш ва қўллашни таъминлаш;
- маълумот тақдимоти, шу жумладан ҳисоб сиёсати маълумотлари, бундай маълумотларнинг долзарблиги, ишончлилиги, таққосланиши ва тушунарлилигини таъминлайдиган шаклда;
- молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун муайян операциялар, шунингдек бошқа ҳодисалар ёки шартлар жамиятнинг молиявий ҳолати ва моливий фаолиятига таъсирини тушуниш учун МҲҲС талабларига мувофиқлиги етарли бўлмаган ҳолларда қўшимча маълумотлрни ошкор қилиш;
- яқин келажакжа Жамиятнинг ўз фаолиятини давом эттириш қобилиятини баҳолаш.

Раҳбарият қуйидагилар учун ҳам жавобгардир:

- Жамияттда самарали ва ишончли ички назорат тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва таъминлаш;
- Жамиятнинг операцияларини ошкор қилиш ва тушунитиришга имкон берадиган шаклда ҳисоботларни юритиш, шунингдек ҳар қандай вақтда Ташкилотнинг моливий ҳолати тўғрисида етарли аниқликдаги маълумотларни тақдим этиш ва молиявий ҳисоботнинг МҲҲСга мувофиқлигини таъминлаш;
- Бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ юритиш;
- Молиявий ва бошқа суистемол фактларини аниқлаш ва олдини олиш.

2021 йил 31 декабрда якунланган йил учун Жамиятнинг молиявий ҳисоботлари рахбарият томонидан 2022 йил «8» июнда тасдиқланган.

**Раҳбарият номидан**

| | |
|---|---|
| **Серкибаев Халдарбек Дуйсебаевич** | **Слюнкова Светлана Александровна** |
| *Бошқарув раиси* | *Бош ҳисобчи* |

8 июн 2022 й.

Тошкент, Ўзбекистон

**МЧЖ АТ "SMART AUDIT"**
Тошкент ш, Олмазор тум, Гулсарой 1Б уй.
Телефон: +99 (890) 920-59-25
e-mail: bxfinans@gmail.com
http: //www.bxfinans.uz

# МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

*"O'ZBEKEKSPERTIZA" Акциядорлик жамияти таъсисчиларига*

## Фикр

Бизнинг фикримизча, консалидацияланган молиявий ҳисоботлар *"O'ZBEKEKSPERTIZA"* Акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган Консалидацияланган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг консалидацияланган молиявий натижаларини ва консалидацияланган пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

## Аудит предмети

Биз "O'ZBEKEKSPERTIZA" Акциядорлик жамиятининг қуйидагилардан иборат таркибдаги молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик:

- 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган Консалидацияланган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида консалидацияланган молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот;
- кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида консалидацияланган хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
- кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида консалидацияланган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлар.

## Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) га мувоқиф аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз Гуруҳдан

мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро аҳлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профессионал бухгалтерлар учун аҳлоқ” Кодекси талабларига ва аҳлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ахлоқ меъёрларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

## Консалидацияланган молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият консалидацияланган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МҲХС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган консалидацияланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Консалидацияланган молиявий ҳисоботни тайёрлашда гуруҳ раҳбарияти корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда гуруҳ раҳбарияти томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқаруви учун масъул шахслар гуруҳнинг корхона молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

## Консалидацияланган молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилиги, хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилигидан юқори, чунки фирибгар соҳталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;

- Гуруҳларнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, гуруҳларнинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит хисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар гуруҳ фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.
Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга аудитнинг мустақиллигига тегишли барча аҳлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Холмирзаев А.А.
Директор МЧЖ АТ "SMART AUDIT"

Бердиев Ф.В.
Аудитор.

*2022 йил 9 июнь.*

*Ўзбекистон Республикаси, Тошкент.*

## 2021 ЙИЛ 31 ДЕКАБР ҲОЛАТИГА БЎЛГАН КОНСАЛИДАЦИЯЛАНГАН МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (ДАВОМИ)

| МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Жорий мажбуриятлар** | | | | |
| Савдо бўйича кредиторлик қарзлари | 10 | 1 353 523 | 1 164 866 | 352 406 |
| Қисқа муддатли кредит ва фоизли қарзлар' | 10 | 87 273 | - | 10 036 |
| Ходимлар билан ҳисоблашиш бўйича қарздорлик | 10 | 4 646 295 | 2 571 077 | 1 585 797 |
| Фойда солиғи бўйича мажбурият | 10 | 146 182 | 98 768 | 169 348 |
| Бошқа солиқлар бўйича мажбурият | 10 | 1 656 421 | 793 601 | 451 695 |
| Шартнома бўйича мажбурият | 10 | 3 215 479 | 1 693 204 | 1 294 545 |
| Таъсисчилар олдидаги қарздорлик | 10 | 276 828 | 62 280 | 191 149 |
| Бошқа қисқа муддатли мажбуриятлар | 10 | 24 924 | 18 518 | 6 793 |
| **Жами жорий мажбуриятлар** | | **12 847 058** | **6 402 314** | **4 061 769** |
| **Узоқ муддатли мажбуриятлар** | | | | |
| Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар | 10 | 28 078 | 1 562 | 4 239 |
| **Жами узоқ муддатли мажбуриятлар** | | **28 078** | **1 562** | **4 239** |
| **Жами мажбуриятлар** | | **12 875 136** | **6 403 876** | **4 066 008** |
| **Капитал** | | | | |
| Устав капитали | | 2 589 588 | 2 589 588 | 2 589 588 |
| Эмиссия даромади | | 725 146 | 738 184 | 770 043 |
| Тақсимланмаган фойда | | 8 248 709 | 6 159 711 | 3 436 199 |
| Мақсадли жамғармалар | | 632 739 | 551 859 | 418 016 |
| **Компания таъсисчиларига тегишли капитал** | | **12 196 182** | **10 039 342** | **7 213 846** |
| **Жами капитал** | | **12 196 182** | **10 039 342** | **7 213 846** |
| **Жами мажбуриятлар ва капитал** | | **25 071 318** | **16 443 218** | **11 279 854** |

**Серкибаев Халдарбек Дуйсебаевич**
*Бош директор*

**Слюнкова Светлана Александровна**
*Бош ҳисобчи*

## 2021 ЙИЛ 31 ДЕКАБР ҲОЛАТИГА БЎЛГАН КОНСАЛИДАЦИЯЛАНГАН МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

| *минг ўзб. сўмда.* | Изоҳ | 2021 йил 31 декабрь | 2020 йил 31 декабрь | 2019 йил 31 декабрь |
|---|---|---|---|---|
| **АКТИВЛАР** | | | | |
| **Жорий активлар** | | | | |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквиваленлари | 8 | 4 696 264 | 3 848 321 | 1 655 674 |
| Сотиш бўйича дебиторлик қарзлари | 9 | 1 536 750 | 2 000 482 | 1 110 727 |
| Боғлиқ томонлардан олинган қарзлар ва дебиторлик қарзлари | 9 | 4 052 192 | 1 121 804 | 473 875 |
| Бошқа дебиторлик қарзлари ва бўнаклар | 9 | 3 635 703 | 1 211 510 | 1 126 909 |
| Товар моддий захиралар | 7 | 593 258 | 639 462 | 364 806 |
| Берилган қисқа муддатли қарзлар | | 52 000 | 52 000 | 202 000 |
| Солиқлар бўйича бўнак | 9 | 507 630 | 683 325 | 607 725 |
| Бошқа жорий активлар | | 4 045 139 | 1 512 010 | 1 647 475 |
| **Жами жорий активлар** | | **19 118 936** | **11 068 914** | **7 189 191** |
| **Узоқ муддатли активлар** | | | | |
| Асосий воситалар | 5 | 5 332 698 | 4 338 868 | 3 742 404 |
| Номоддий активлар | | 409 283 | 340 079 | 154 058 |
| Сотиш учун мўлжалланган инвестициялар | | 35 406 | 35 406 | 35 406 |
| Шўба корхоналарга қилинган инвестиция | | - | - | 10 000 |
| Ассоциалланган ташкилотлар ва қўшма корхоналарга қилинган инвестиция | | - | 20 264 | 20 264 |
| Капитал қўйилмалар | | - | 542 472 | - |
| Муддати узайтирилган солиқлар бўйича актив | | 174 995 | 97 215 | 128 531 |
| **Жами узоқ муддатли активлар** | | **5 952 382** | **5 374 304** | **4 090 663** |
| **Жами активлар** | | **25 071 318** | **16 443 218** | **11 279 854** |

**Серкибаев Халдарбек Дуйсебаевич**
*Бош директор*

**Слюнкова Светлана Александровна**
*Бош ҳисобчи*

## 31.12.2021 Й. ТУГАГАН ЙИЛ МОБАЙНИДА КОНСАЛИДАЦИЯЛАНГАН МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

| *минг ўзб. сўмда.* | Изоҳ | 2021 йил | 2020 йил | 2019 йил |
|---|---|---|---|---|
| Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум | 11 | 53 512 738 | 34 193 152 | 21 505 384 |
| Сотиш таннархи | 12 | (26 270 702) | (17 559 772) | (11 867 734) |
| **Ялпи фойда** | | **27 242 036** | **16 633 380** | **9 637 650** |
| Маъмурий харажатлар | 13 | (15 659 598) | (9 631 058) | (2 742 646) |
| Бошқа операцион харажат | 13 | (7 752 390) | (4 386 557) | (2 234 970) |
| Бошқа операцион даромад | 11 | 544 364 | 361 801 | 120 711 |
| **Операцион фаолият фойдаси** | | **4 374 412** | **2 977 566** | **4 780 745** |
| Молиявий даромад | 11 | 589 725 | 103 048 | 129 588 |
| Чет эл валюталари қайта баҳолаш натижаси (Соф) | 11 | 38 661 | 125 268 | (3 693 843) |
| Молиялаштириш бўйича харажатлар | 13 | (11 412) | - | (14 816) |
| **Солиқ тўлагунгача фойда** | | **4 991 386** | **3 205 882** | **1 201 674** |
| Фойда солиғи харажати | 15 | (1 398 209) | (731 484) | (515 228) |
| **Йил фойда/(зарари)** | | **3 593 177** | **2 474 398** | **686 446** |

**Серкибаев Халдарбек Дуйсебаевич**
*Бош директор*

**Слюнкова Светлана Александровна**
*Бош ҳисобчи*

## КЎРСАТИЛГАН САНАДА ТУГАГАН ЙИЛ МОБАЙНИДА КОНСАЛИДАЦИЯЛАНГАН ХУСУСИЙ КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

| *минг ўзб. сўмда.* | Устав капитали | Эмиссия даромади | Мақсадли тушумлар | Мақсадли жамғармалар | Тақсимланмаган фойда | Жами | Назорат қилинмайдиган улуш | Хаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **2019 йил 31 декабрь ҳолати** | **2 589 588** | **770 043** | **-** | **418 016** | **3 436 199** | **7 213 846** | **-** | **7 213 846** |
| Йил соф фойда/зарари | | | | | **2 474 398** | 2 474 398 | - | 2 474 398 |
| Бошқа жами фойда | | | | - | | - | - | - |
| Йил учун жами фойда умумий суммаси | - | - | - | - | 2 474 398 | 2 474 398 | - | 2 474 398 |
| Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи | | (31 859) | | | | (31 859) | | (31 859) |
| Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тушумлар | | | | | 181 599 | 181 599 | | 181 599 |
| Филиаллар орасидаги эълон қилинган дивидендлар қайтарилиши | | | | | 2 140 166 | 2 140 166 | | |
| Эълон қилинган дивидентлар | | | | | (1 938 808) | (1 938 808) | | (1 938 808) |
| Мақсадли тушумлар | | | | 133 843 | (133 843) | - | | - |
| **2020 йил 31 декабрь ҳолати** | **2 589 588** | **738 184** | **-** | **551 859** | **6 159 711** | **10 039 342** | **-** | **10 039 342** |
| Йил соф фойда/зарари | | | | | **3 593 177** | 3 593 177 | - | 3 593 177 |
| Бошқа жами фойда | | | | - | | - | - | - |
| Йил учун жами фойда умумий суммаси | - | - | - | - | 3 593 177 | 3 593 177 | - | 3 593 177 |
| Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи | | (13 038) | | | | (13 038) | | (13 038) |
| Мақсадли тушумлар | | | | 80 880 | (80 880) | - | | - |
| Эълон қилинган дивидендлар | | | | | (1 423 299) | (1 423 299) | | (1 423 299) |
| **2021 йил 31 декабрь ҳолати** | **2 589 588** | **725 146** | **-** | **632 739** | **8 248 709** | **12 196 182** | **-** | **12 196 182** |

**Серкибаев Халдарбек Дуйсебаевич**

*Бош директор*

**Слюнкова Светлана Александровна**

*Бош ҳисобчи*

# КЎРСАТИЛГАН САНАДА ТУГАГАН ЙИЛ МОБАЙНИДА КОНСАЛИДАЦИЯЛАНГАН ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

| *минг ўзб. сўмда.* | Изоҳ | 2021 йил | 2020 йил | 2019 йил |
|---|---|---|---|---|
| **Операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати** | 8 | | | |
| Махсулот ва хизматларни сотишдан тушум | | 60 809 473 | 37 739 892 | 23 449 212 |
| ТМЗ ва хизматлар учун тўлов | | (11 186 100) | (5 427 772) | (3 350 876) |
| Ходимларга ва улар номидан тўловлар | | (27 114 967) | (18 498 009) | (11 227 795) |
| Операцион фаолиятнинг бошқа тушум ва тўловлари(соф) | | (347 832) | (372 505) | (209 489) |
| Фойда солиғи тўлови | | (1 067 612) | (680 010) | (884 250) |
| Бошқа солиқлар бўйича тўловлар | | (14 538 873) | (10 078 045) | (6 772 754) |
| **Операцион фаолиятнинг соф кирим/чиқими** | **8** | **6 554 089** | **2 683 551** | **1 004 048** |
| **Инвестицион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати** | | | | |
| Асосий воситалар ва номоддий активлар сотишдан тушум | | 314 715 | 203 043 | - |
| Асосий воситалар ва номоддий активлар хариди | | (2 299 882) | (1 145 986) | (597 266) |
| **Инвестиция фаолиятида фойдаланилган пул маблағларининг соф кирим/чиқими** | **8** | **(4 685 167)** | **(932 943)** | **(607 266)** |
| **Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати** | 8 | | | |
| Тўланган фоизлар | | (11 412) | (1 325) | (17 433) |
| Олинган фоизлар | | 167 904 | 109 063 | 144 403 |
| Тўланган дивидендлар | | (1 156 513) | (481 600) | (378 790) |
| Олинган қарзларнинг қайтарилиши | | (16 449) | (38 685) | (580 988) |
| Олинган қарзлар | | - | 84 207 | 415 555 |
| Бошқа молиявий фаолият бўйича олинган(фойдаланилган) пул маблағлари | | (7 830) | 740 075 | (4 732) |
| **Молиявий фаолиятда фойдаланилган пул маблағларининг соф кирим/чиқими** | | **(1 024 300)** | **411 735** | **(421 985)** |
| Валюта курси ўзгаришларининг чет эл валютасидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири | | 3 321 | 30 304 | 51 365 |
| **Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари бўйича соф кўпайиш/камайиш** | **8** | **847 943** | **2 192 647** | **26 162** |
| **Йил бошида пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари миқдори** | | **3 848 321** | **1 655 674** | **1 629 512** |
| **Йил охирида пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари миқдори** | | **4 696 264** | **3 848 321** | **1 655 674** |

**Серкибаев Халдарбек Дуйсебаевич**
*Бош директор*

**Слюнкова Светлана Александровна**
*Бош ҳисобчи*